

Сурхондарё вилояти ҳокими У.Қосимов Шеробод туманида қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар билан танишди



Шунингдек, ташриф давомида вилоят ҳокими Шеробод туманининг 2-сектори "Гулчинор" маҳалласи ҳудудида жойлашган 37 гектар ер майдонига эга "Қора қасмоқ, оқ кўприк чорва" фермер хўжалиги, 19 гектар ер майдонига эга "Наслдор чорва моллари" фермер хўжалиги ҳамда Чинобод, У.Юсупов, Исо Термизий массивларидаги бошқа фермер хўжаликлари фаолиятини ҳам ўрганиб, мутасаддиларга соҳа юзасидан зарур тушунчалар бериб ўтди.

Шу билан бирга вилоят ҳокими 2-сектор ҳудуди "Мажнунтол" маҳалласида жойлашган Кариерни ҳам кўздан кечириб, масъулларга ҳудудни ободонлаштириш шунингдек, тегишли лойиҳалар яратиш юзасидан зарур топшириқлар юклади ва топшириқлар ижроси шу ернинг ўзида бошлаб юборилди.